

## BRICS МАМЛАКАТЛАРИДА ЭРКИН ИҚТИСОДИЙ ХУДУДЛАРОРҚАЛИ ХОРИЖИЙ ИНВЕСТИЦИЯЛАРНИ ЖАЛБ ЭТИШ МЕХАНИЗМИ

Каримқулов Ж.И.

*Тошкент молия институти, Тошкент, Ўзбекистон*

Ушбу мақолада BRICS<sup>1</sup> мамлакатларида эркин иқтисодий ҳудудларнинг ташкил этилиши ва улардаги иқтисодий ривожланиш тенденциялари таҳлил этилган. Таҳлил натижаларига кўра, BRICS мамлакатлари тажрибасини Ўзбекистон иқтисодиётига татбиқ этиш юзасидан таклифлар берилган.

**Калит сўзлар:** BRICS мамлакатлари, “Goldman Sachs”, хорижий инвестициялар, эркин иқтисодий ҳудудлар, “Манаус”, Бразилия, Ҳиндистон.

Эта статья было проанализирована организации свободных экономических зон в BRICS страны и тенденции их экономических развития. По результату анализ, были даны предложения по применению в экономике Узбекистана экспериментов страны BRICS.

**Ключевые слова:** BRICS мамлакатлари, “Goldman Sachs”, хорижий инвестициялар, эркин иқтисодий ҳудудлар, “Манаус”, Бразилия, Ҳиндистон.

### КИРИШ.

Жаҳон тажрибасининг кўрсатишича, иқтисодий ислоҳотларни самарали тарзда амалга оширишда инвестициялар, хусусан, тўғридан-тўғри хорижий инвестицияларулки аҳамиятга эга. Ўзбекистон Республикаси Президенти Ш.Мирзиёев томонидан ушбу соҳа долзарблиги сабаб, “Мамлакатимизнинг чет давлатлар билан иқтисодий алоқаларини янада мустаҳкамлаш ва хорижда республикамизнинг иқтисодий имкониятларини кенг тарғиб қилиш орқали унинг халқаро нуфузини янада ошириш, инвестицияларни жалб қилишни жадаллаштириш ... устувор вазифаларимиздан бири” сифатида белгилаб олинди.[1] Бу борада очиқ иқтисодиёт қарор топишининг муҳим бўғини сифатида Ўзбекистон иқтисодиётига инвестициялар, хусусан, хорижий инвестициялар, оқимини янада кучайтиришда жаҳон амалиётида фаол ривожланиб бораётган эркин иқтисодий ҳудудлар фаолиятини йўлга қўйишининг кенг имкониятлари мавжуд[2]. Хорижий инвестицияларни эркин иқтисодий ҳудудлар орқали жалб этиш борасида хориж мамлакатлари тажрибасини ўрганиш муҳим ўринга эга.

Ҳозирги кунда мамлакатимизда 21 та эркин иқтисодий зона ва 96 та кичик саноат зоналари фаолият юритмоқда. “Навоий”, “Ангрен”, “Жиззах”, “Ургут”,

<sup>1</sup>XXI асрнинг бошига келиб иқтисодий адабиётларда ривожланаётган мамлакатлар гуруҳида иқтисодий ўсиш сурьатлари, жаҳон иқтисодиёти ва савдосида катта улушга эга Бразилия, Россия, Ҳиндистон ва Хитойнинг инглизча талаффуздаги (Brazil, Russia, India, China) номларининг бош ҳарфларидан ташкил топган BRIC<sup>1</sup> мамлакатлари гуруҳи пайдо бўлди. 2011 йил январдан бу мамлакатлар гуруҳи Жанубий Африка Республикаси (South Africa) ҳам киритилганлиги туфайли эндиликда BRICS деб аталмоқда. Вахабов А.В, Таджибаева Д.А, Ҳажибакиев Ш.Х. Жаҳон иқтисодиёти ва халқаро иқтисодий муносабатлар: дарслик. – Тошкент. Vaktrisa press, 2015, 158 – б.

“Ғиждувон”, “Қўқон” ва “Хазорасп” экрин иқтисодий зоналарида умумий қиймати 46 миллион долларга тенг 62 та лойиҳа амалга оширилган, 4 минг 600 тан ортиқ иш ўринлари яратилган. Фармацевтика соҳасига ихтисослаштирилган “Нукус-фарм”, “Зомин-фарм”, “Косонсой-фарм”, “Сирдарё-фарм”, “Бойсун-фарм”, “Бўстонлиқ-фарм” ва “Паркент-фарм” сингари 7 та янги эркин иқтисодий зонани ривожлантириш бўйича изчил ишлар олиб борилмоқда.

### **МАВЗУГА ОИД АДАБИЁТЛАР ТАҲЛИЛИ.**

Эркин иқтисодий ҳудудларнинг ташкил этилиши, ривожланиши, бошқарилиши ва уларга хорижий инвестицияларни жалб этиш масалалари Е.Ф.Авдокушин, В.Д.Анрианов, В.И.Бутиков, Т.П.Данько, Я.С.Друзик, В.И.Зименков, С.А.Рыбаков, Ж.Б.Море, Р.Кумари, Г.Абуселидзе, Т.Фароле, Г.Акинси ва бошқа олимлар томонидан тадқиқ этилган.

Шунингдек, мамлакатимизнинг бир гуруҳ иқтисодчи-олимлари томонидан, жумладан, А.В.Ваҳобов, Н.Х.Хайдаров, Д.Ғ.Ғозибеков, Н.Р.Кузиева, К.Х.Абдурахманов, А.М.Абдуллаев, Ш.Х.Дадабаев, Г.Ғ.Назарова, Х.Х.Халилов, С.С.Мирзалиева, С.Ғ.Раҳмонова, Н.Ғ.Каримов, Н.Н.Обломуродов, М.А.Раимжанова, Ш.И.Мустафақулов, Б.Б.Валиев, А.Остонақуловларнинг илмий ишларида эркин иқтисодий ҳудудларнинг мазмун-моҳияти, уларни ташкил этишнинг хориж тажрибаси, миллий иқтисодиётга эркин иқтисодий ҳудудлар орқали хорижий инвестицияларни жалб этишнинг назарий ва амалий жиҳатлари, уларнинг келгусидаги истиқболлари илмий тадқиқ этилган.

Юқоридаги олимлар томонидан яратилган иқтисодий адабиётларда эса эркин иқтисодий ҳудудларга турлича таъриф берилган. Хусусан, россиялик иқтисодчи олим В.Д.Адрианов: “Эркин иқтисодий ҳудудлар миллий ҳудуднинг бир қисми бўлиб, иқтисодий муаммолар ечимини топишда кенг имкониятларни яратиш беради[3]”, дея таърифлайди.

Т.П.Данько ва З.М.Окрутлар эркин иқтисодий ҳудудларни “...қулай инвестиция муҳитини яратиш ҳамда ишлаб чиқаришни, савдо-сотикни, илмий фаолиятни рағбатлантириш механизми”[4] сифатида баҳолайдилар.

Мамлакатимизнинг етук иқтисодчи олимлари томонидан эркин иқтисодий ҳудудлардаги имтиёзли тартиб ва маъмурий бошқарув соҳасига кўпроқ эътибор қаратилган ҳолда турлича ёндошилади. Шу сабабли, А.В.Ваҳабов, Ш.Х.Хажикаев, Н.Ғ.Муминовларнинг фикрича, эркин иқтисодий ҳудуд – бу маҳаллий ҳамда хорижий тадбиркорлар фаолият юритиши учун махсус имтиёзли иқтисодиёт амал қиладиган чегараланган ҳудуд[5].

С.С.Мирзалиева томонидан берилган таърифга кўра, эркин иқтисодий зона – мамлакат (ёки мамлакатлар) ҳудудининг муайян ижтимоий, иқтисодий технологик вазифаларни ҳал этиш мақсадида барпо этиладиган, махсус маъмурий бошқарувга ва хўжалик юритувчи субъектларнинг имтиёзли режимига эга бўлган қисмидир.[6]

Ш.И.Мустафақуловнинг таъкидлашича, эркин иқтисодий ҳудуд – бу мамлакатнинг имиджи ҳам. Эркин иқтисодий ҳудудлар, ҳатто, ёмон фаолият юритган тақдирда ҳам мамлакатни либераллашувига хизмат қилади. Эркин

иқтисодий ҳудуд қайси мамлакатда, унинг қайси ҳудудида яратилмасин, у ижтимоий лойиҳадир. Ҳудудни яратиш нафақат ҳудуд учун қўшимча даромад келтиради, балки бутун мамлакат учун турли шаклда фойдали қайтим беради.[7]

Шунингдек, А.А.Остонакулов томонидан, эркин иқтисодий зона –... иқтисодиётни диверсификациялашнинг ҳудудий услуби сифатида фойдаланиш ҳамда замонавий технологияларни иқтисодий тузилмага жорий қилиш учун ташкил этилган ҳудуддир, дея муаллифлик таърифи берилган.

#### **ТАҲЛИЛ ВА НАТИЖАЛАР.**

BRICS мамлакатлари бошқа давлатларга нисбатан барқарор иқтисодий ўсиш суръатларини қайд этиб бораётганлиги билан аҳамиятлидир. Бунга бир қатор омиллар таъсир кўрсатиб келмоқда. Бразилия ўзининг ривожланган кишлок хўжалигига, Россия бой табиий захиралар ресурсларига, Ҳиндистон арзон ишчи кучи ва интеллектуал ресурсларига, Хитой ўзининг ички ва ташқи бозорга юқори интеграциялашуви ва ундаги арзон ишчи кучига эга мамлакатлардир. Қолаверса, BRICS мамлакатларида ЯИМ ўсиш динамикаси йилдан йилга ошиб бормоқда (1-жадвал).

Халқаро валюта фондининг расмий маълумотлари асосида айтиш мумкинки, Жаҳон молиявий-иқтисодий инқирозигача бўлган даврда ривожланган ва BRICS мамлакатлари ЯИМда прогрессив ўсиш суръатлари қайд этилган. 2011 йилдан кейин инқирознинг салбий таъсири оқибатида ривожланган мамлакатларда ЯИМ суръати кескин тушиб кетган. Инқироз BRICS мамлакатларига ҳам ўз таъсирини кўрсатишига қарамай, бир қатор давлатлар, хусусан Хитой, Ҳиндистон кабиларда 2011-2018 йилларда реал ЯИМ ҳажми 5,5-6,6 % ўртасида тебраниб турди.

#### **1-жадвал**

#### **2010-2023 йилларда ривожланган мамлакатлар ва BRICS**

**давлатларида ЯИМ кўрсаткичлари ҳамда прогнозлари [8], кўрсаткичлар %ларда**

	2010	2011	2012	2013	2014	2015	2016	2017	2018	2019	2023
АҚШ	2.5	1.6	2.2	1.7	2.6	2.9	1.5	2.3	2.9	2.7	1.4
Буюк Британия	1.7	1.5	1.5	2.1	3.1	2.3	1.9	1.8	1.6	1.5	1.6
Канада	3.1	3.1	1.7	2.5	2.9	1.0	1.4	3.0	2.1	2.0	1.6
Япония	4.2	-0.1	1.5	2.0	0.4	1.4	0.9	1.7	1.2	0.9	0.5
Европа Иттифоқи	2.1	1.6	-0.9	-0.2	1.3	2.1	1.8	2.3	2.4	2.0	1.4
Бразилия	7.5	4.0	1.9	3.0	0.5	-3.5	-3.5	1.0	2.3	2.5	2.2
Россия	4.5	5.1	3.7	1.8	0.7	-2.5	-0.2	1.5	1.7	1.5	1.5
Ҳиндистон	10.3	6.6	5.5	6.4	7.4	8.2	7.1	6.7	7.4	7.8	8.2
Хитой	10.6	9.5	7.9	7.8	7.3	6.9	6.7	6.9	6.6	6.4	5.5
Жанубий Африка	3.0	3.3	2.2	2.5	1.8	1.3	0.6	1.3	1.5	1.7	1.8

Албатта, BRICS мамлакатларидаги ижобий иқтисодий кўрсаткичларнинг қайд этилишида хорижий инвестициялар оқимининг таъсири юқоридир. Бу

борада эркин иқтисодий ҳудудлар омилидан ушбу мамлакатлар фаол фойдаланиб келади. Бунда ушбу иқтисодий гуруҳ таркибидаги айрим давлатларда хорижий инвестицияларнинг кириб келиши учун шаклланган ҳуқуқий, иқтисодий механизмлар, эркин иқтисодий ҳудудларни ташкил этиш йўналишлари ва бу ҳудудларнинг иқтисодиёт либераллшувига хизмат қилишини кўриб ўтиш мақсадга мувофиқдир.


BRICS мамлакатлари гуруҳида жой олган Бразилияда 1957 йилда конгрессмен Франциско Перейда да Силва томонидан “Манаус” эркин порти ишга туширилди. Бу мамлакатдаги илк эркин иқтисодий ҳудуд эди.[9] Ушбу муддатдан 10 йил ўтгач, федерал ҳокимият 28.02.1967 йилдаги қонун билан “Манаус” эркин порти негизида Амазониянинг саноат, қишлоқ хўжалиги, тадбиркорликни ривожлантириш марказини яратди. 1989 йилга келиб, “Манаус” эркин савдо ҳудуди ўзига 7 та эркин иқтисодий ҳудудни қамраб олганлиги сабабли у эркин иқтисодий ҳудудлар комплекси мақомини олди.

Бу орқали ушбу ҳудуд Ғарбий Амазониянинг ифратузилмаси, саноати, қишлоқ хўжалиги ва бизнес марказини ривожлантирибгина қолмай, бутун Бразилия иқтисодиётида муҳим аҳамиятга эга бўлди. Шу сабабли, мамлакат Ҳукумати ҳудуддаги кам сонли аҳоли ва қолоқ даражадаги ҳудудда тузилган эркин иқтисодий ҳудуд орқали хорижий ва миллий инвестицияларни иқтисодиётга кенг жалб этиш ҳисобига ҳудудий иқтисодий сиёсат олиб бориш режалаштирилди. Бунинг учун барча молиявий чоралар кўрилди. Жумладан, хорижий ва маҳаллий инвестиция киритган корхоналар орттирилган даромадалардан фойда солиғи, маҳсулотларнинг савдо айланмаси солиғи каби энг юқори ставкали барча тўловлардан озод этилди. Аммо ушбу имтиёзга эга корхоналар мавжуд ўрнатилган қонуний тартибларга кўра, дастлабки давра эркин иқтисодий ҳудудларни тезда ривожлантириш мақсадида кўрилган барча фойдани асосий капитални кўпайтириш учун реинвестиция қилишлари лозим эди. Бу орқали Бразилияда эркин иқтисодий ҳудудлар, шу жумладан “Манаус”нинг интесив ривожланишига эришилди. 1999-2017 йиллар давомида “Манаус” эркин иқтисодий ҳудудида 700 дан ортиқ саноат корхоналари барпо этилди. Қолаверса, мавжуд саноат тармоқларининг масштаби ҳам кенгайди: электроника, оптика, асбоб ускуналар, кимё, ёғочсозлик, металлургия ва тўқимачилик саноатларини қамраб олган 30 дан ортиқ соҳалардир. Мавжуд эркин иқтисодий ҳудудларга “Kodak”, “Olivetti”, “Sharp”, “Xerox”, “Phillips”, “Sony” сингари кўплаб машҳур ва молиявий барқарор трансмиллий компаниялар инвесторлар сифатида жалб этилди. Албатта, мамлакатнинг эркин иқтисодий ҳудудлари, жумладан, “Манаус” ҳам нафақат Бразилия, қолаверса бутун Лотин Америкасида электроника саноати маркази сифатида шаклланди.

Умуман олганда, Бразилиядаги “Манаус” моделининг муваффақиятини таъминлаган омиллардан бири бу – эркин иқтисодий ҳудудларнинг мамлакатдаги барча ҳудудлар ва миллий иқтисодиёт узвий боғлигида ҳамда кучли интеграциялашганидир.

Бугунги кунда жадал суръатлар билан ривожланиб келаётган Ҳиндистонда эркин иқтисодий ҳудудларни ташкил этишга оид амалий ишлар 1960 йилдан

бошланган.Биринчи эркин иқтисодий ҳудуд 1965 йилда Кандлада тузилган. 2000 йилга келиб, мамлакатда “Махсус иқтисодий ҳудудлар” сиёсати эълон қилинди[10]. Ҳиндистонда эркин иқтисодий ҳудудларни ташкил этиш босқичма-босқич амалга оширилганлиги ўзининг ижобий самарасини намоён этди. Бу жараён 5 босқичдан амалга оширилди. Натижада ушбу ҳудудларнинг сони ҳозирги кунда 200 га яқин (1-расм).



**1-расм. Ҳиндистонда йирик эркин иқтисодий ҳудудларнинг тақсимооти[11]**

Шуниси аҳамиятлики, мамлакатдаги комплекс ҳудудларнинг аксарияти Ҳукумат ташаббуси билан ташкил этилиб, давлат ихтиёридаги эркин иқтисодий ҳудудлар бўлишига қармасдан уларнинг таркибида фаолият олиб борувчи кичик эркин иқтисодий ҳудудлар нодавлат тузилмаларидир. Уларни тузишда мамлакатдаги йирик корпорация ва компаниялар асосий иштирокчи бўлишган. Кичик эркин иқтисодий ҳудудлар комплекс ҳудудлари билан савдо айланмаси фаолиятини ҳам яхши йўлга қўйганлиги боис хомашё етказиб беришда комплекс ҳудудларининг диллерлик хизматларидан кенг фойдаланишади[12].

Ҳиндистонда фаолият олиб бораётган эркин иқтисодий ҳудудларнинг ўзига хос асосий хусусиятлари қуйидагилардан иборат:

- мамлакатнинг эркин иқтисодий ҳудуд зоналари ўзларининг тегишли секторлари (ташаббускорлари) томонидан муҳофаза қилинади. Бу нафақат ҳинд балки глобал қатнашчиларнинг ҳам ҳуқуқларини кафолатлайди;

-қурилиш секторига хос эркин иқтисодий ҳудудлари учун қулай майдон доирасида ҳеч қандай чеклаш йўқлигига қарамай, Ҳукумат томонидан бутунлай янги эркин иқтисодий ҳудудлар корхонаси учун ҳар йили қўшимча ер майдонни ажратилади;

-эркин иқтисодий ҳудудлар учун умумий маркетинг тизими фаолият олиб боради ва ҳ.к.

**Хулоса ва таклифлар.** Юқорида кўриб ўтилган Бразилия ва Ҳиндистон давлатларида эркин иқтисодий ҳудудларни ташкил этиш ва ривожлаништириш, улар орқали хорижий инвестицияларни жалб этиш борасида Ўзбекистон шароитида қуйидагиларни амалга ошириш ўзининг ижобий самарасини беради, деб ҳисоблаймиз:

*биринчидан*, эркин иқтисодий ҳудудларни ташкил этиш жараёнини соддалаштириш лозим. Бу борада Ҳиндистонда кичик санота ҳудудларининг нодавлат шаклда ташкил этилиш жараёнидан фойдланиш мумкин;

*иккинчидан*, эркин иқтисодий ҳудудларга хорижий инвестицияларни жалб этиш мақсадида йирик трасмиллий компаниялар учун алоҳида имтиёзлар пакетини ишлаб чиқиш ва қўллаш орқали инвестицион жозибардорликни таъминлаш муҳим;

*учинчидан*, амалдаги эркин иқтисодий зоналар учун берилган имтиёзларни “ҳудуд омили” асосида қайта кўриб чиқиш лозим. Бу борада Бразилия сингари инвестиция киритиш шартини камайтириб, реинвестиция шартини кўпайтириш ўз самарасини беради.

## Фойдаланилган дабиётлар рўйхати

1. Мирзиёев Ш.М. Эркин ва фаровон, демократик Ўзбекистон давлатини биргаликда барпо этамиз. Ўзбекистон Республикаси Президенти лавозимига киришиш тантанали маросимига бағишланган Олий Мажлис палаталарининг қўшма мажлисидаги нутқ. - Тошкент: «Ўзбекистан» НМИУ, 2016. – 24 б.

2. Раимжанова М.А. Ўзбекистонда эркин иқтисодий ҳудудларга инвестицияларни жалб қилиш: назарий асослари, ҳозирги ҳолати ва истиқболлари / Монография, – Тошкент, 2013 й, 3-б.

3. Адрианов В.Д. Специальные экономические зоны. Журнал «ЭКО», 1997, ( №3), С: 42.

4. Данько Т.Л. Свободные экономические зоны в мировом хозяйстве// ИНФРА-М.-1998. С:168.

5. Вахабов А.В., Хажибакиев Ш.Х., Муминов Н.Г. Хорижий инвестициялар. Ўқув қўлланма. –Т.: Молия, 2010. 180-бет

6. Мирзалиева С.С. Эркин иқтисодий зоналарни ривожлантиришнинг хориж тажрибаси: и.ф.н. илмий даражасини олиш учун тақдим этилган диссертация Автореферати . Тошкент. ТДИУ, 2001. 8-бет.

7. Мустафақулов Ш.И. Инвестицион муҳит жозибадорлиги: назария, методология ва амалиёт. Монография Тошкент. “Iqtisod-Moliya”, 201. 326-бет.

8. Манба: Муаллиф томонидан Халқаро валюта фондининг расмий маълумотлари асосида тузилди. International Monetary Fund, Statistical Appendix 2018/

9. Закон Бразилии № 3173 от 6 июня 1957 г.

10. SEZ in India – URL: <http://eximguru.com> (Online Exim Encyclopedia)

11. Манба: Shriram A.B., S.Sanyal. SEZs in India : Criss-CrossWebsite: [www.phdcci.in](http://www.phdcci.in). 2015.

12. Dr. Raj Kumari, Dr. Vandana Mittal, Dr. Hemlata Jain (PhD) (Hindustan College of Science & Technology, Farah, Mathura) (UP) “Special economic zones in india: problems and prospects”. International Journal of Research in Economics and Social Sciences (IMPACT FACTOR – 4.992) p: 5, 4(April, 2015)

13. Geroge Mason University, Fairfax, VA, USA. Journal of Institutional Economics. The political economy of special economic zones. <https://www.cambridge.org>

14. Ch. Panduranga Reddy, A. Prasad & M. Sampath Kumar. Balanced Regional Development of India through Special Economic Zones: An Empirical Study <https://www.tandfonline.com>

15. Каримкулов Ж.И., Умирзоқов Ж.А. Эркин иқтисодий ҳудудлар ривожланишининг назарияси ва амалиёти. Монография. – Т.: 2017 195 б.